



**ҲАДИС ИЛМИДАГИ ИХТИЛОФЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ
ВА ҲАДИСШУНОСЛИК МАСАЛАСИДА АДАБИЁТ ВА ТАРИХ КИТОБЛАРИДАН
ҲОЙДАЛАНИШ**

**Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
Мустақил тадқиқотчиси (PhD)
Ҳадис илми мактаби ректори
Юсупов Олимжон Исоқович**

Аннотатсия: Ушбу мақолада ҳадис илмидаги ихтилофларни бартараф этиш усуллари, методологияси ҳамда унинг йўналишлари ёритилган. Шунингдек ҳадисшунослик фанида адабиёт тарих ва ижтимоий гуманитар фанлар ёрдамида фойдаланишнинг илмий амалий жиҳатлари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Оят, Қуръон, тарих, адабиёт, Абдуллоҳ ибн Муборак, Иснод, Муснад, Имом Бухорий, Илмур риҷол, айблик, адолатлик, Абу Ҳурайра, Симорул қулуб, Абу Райя, танқид.

Аллоҳ таолога ҳамд-саноларимиз, Пайғамбар алайҳис саломга дуруд-саловатларимиз ва у зотга яхшилик билан эргашган барча муъмин-мусулмонларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати бўлсин! Бу китобларни санаб ўтиш билан на мазкур китобларни ва на уларнинг муаллифларини ерга урмоқчи эмасмиз. Фақатгина шуни айтмоқчимизки, кўплаб уламолар ўз соҳаларида ишончли мўтабар бўлишса ҳам, лекин ҳадис ривоятида, саҳиҳни заифдан ажратишда уларга суянилмайди. Чунки улар бу фаннинг табиблари ва мутахассислари эмас.

Ҳадис илмидаги ихтилофларни бартараф этиш уларни даражаларини аниқлаш методологиясида энг асосий нуқта бу, иснод (яъни, санаддаги кишиларни текшириб, аниқлаштириш)дир. Бу борада Абдуллоҳ ибн Муборакнинг сўзлари юқоридаги сўзларимизни жамловчидир. Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимахуллоҳ бу борада:

“Иснод диндандир. Иснод бўлмаганида истаган одам хоҳлаган гапини гапираверган бўларди”, деганлар.⁴⁸

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари асрлар ўтсада ўзгармасдан асл ҳолида бизгача етиб келишида муҳаддис уламоларнинг хизматлари катта. Уларнинг машаққатли ва шарафли хизматлари, амалга оширган ишлари ҳамда дунёда оммалашиб бўлган статистика илмига омил бўлган услублари ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Авваламбор, билишимиз лозим бўлган нарса суннат ва ҳадисларни сақланиши фақатгина саҳифаларда бўлмаган. Балки улар кишиларнинг қалби, зехн-хотирасида бўлган. Ёдида бўлган ҳадисларни шогирдлар устозлардан бевосита қабул қилиб олишган.

Имом Бухорий ва у кишидан бошқа муҳаддисларнинг ҳаётларида ҳам Аллоҳ таоло уларга ато этган кучли қуваи ҳофизага мисоллар жуда кўп. Имом Бухорий ҳаётларида юз берган машҳур қиссани олинг. Имом Бухорий ҳадис талабида чиқиб,

⁴⁸ Доктор Муҳаммад ибн Матор. Тадвин ас сунна ан набавийя. Дорул ҳижра матбааси. Саудия Арабистони. 1996 йил. В-36.



инсонлар ичида Муҳаммад ибн Исмоил энг хотираси кучлик киши дея донг таратгандан сўнг, бир шаҳарга келадилар. Шаҳардаги муҳаддис уламолар: “Бухорийни имтиҳон қиламиз”, дея унинг йўлига тўпланишади. Улардан ҳар бирлари ўнтадан матни саҳиҳ, аммо санади мақлуб бўлган ҳадисларни айтишади.

Имом Бухорий эса: “Бундай ривоятни билмайман”, дейдилар. Ниҳоят юзинчи ҳадис айтилганда ҳам шу жавобни эшитишгач, омма ичидаги баъзилар: “Юзта ҳадисни билмаса, бу қанақа имом бўлди”, дея Бухорий ҳақида шубҳалана бошлашади.

Ҳадис айтадиган кишилар ривоятларини тугатиб, бошқа ҳадис айтадиган киши қолмаганини билгач, биринчи ҳадис айтган кишига юзланиб: “Сен фалончи, фалончидан дея қилган ривоятинг, аслида бундоқ бўлади”, деб ҳадис санадидаги ровийларни тўғриси ҳам, нотўғриси ҳам айтиб берадилар. Бу ҳолат юзинчи ҳадисгача шундай давом этади.

Шунда улар Бухорийни эътироф қилиб: “Аллоҳга қасамки, бизни, тўғри санад билан матнни айтганингиз эмас, балки нотўғри санад билан матнни айтганингиз яъни, нотўғри санадни қандай бўлса шундайлигича айтиб бера олишингиз хайратга солди”, дейишади. Мана бизга Имом Бухорий.

Имом Бухорий ўзи ҳақида: “Мен қайси шаҳарда ҳадис эшитиб, уни қайси шаҳарда қоғозга туширишимни аҳамияти йўқ”, деган.

Дарҳақиқат, талабалик йилларида икки ҳафталик дарслари ўн беш минг ҳадисни ёзмасдан ҳамдарсларига ёддан айтиб берганларида, дарсни ёзиб олган талабалар камчиликларини туғрилаб олишган эди. Булардан хулоса қилсак бўладик ҳадислар фақатгина саҳифалардагина сақланмаган, балки зехндан зехнга кўчиб ўтган.

Вактлар ўтиши билан ислом диёрлари кенгайиб, уламолар ҳар томонга тарқаб, кишиларда илмга нисбатан рағбат ва ҳиммат камайиб кетгач, ҳадисларни саҳифаларга ёзиш даври бошланган. Фитналар авж олиб, ҳар бир фитначи тоифалар ўз мақсадига етиш учун ҳадисларни тўқиб чиқара бошлаганда, Имом Бухорий ва Имом Муслим каби муҳаддислар ҳадисларни ёлғонидан ростини ажратиб олиш учун ўз услубларини ишлаб чиқишган. Шундан сўнг бирор бир киши ҳадисларга ёлғон ва шубҳали нарсани кирита олмаган.

“Иснод—диндандир”, деган сўзнинг маъноси шу бўлади.

Ҳозирги кунимиздаги суннат инкорчиларига: “Суннатга доир нарсалар девонларни тўлдириб турибди”, десак, улар: “Бу нарсалар Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламдан кейин инсонлар томонидан ёзилган, уларда ёлғон бўлмаслигини қаердан биламан”, дейиши мумкин. Бу каби саволларга биз инкор қилиб бўлмас даражада илмий жавобларни тақдим қиламиз. Шундан кейин ҳам ўз фикрида туриб олса, ундай кишини жоҳил, ҳақиқатни англай олмайдиган ёки ҳақиқатни билсада, ўз сўзида туриб оладиган қайсар кимса деймиз.

Суннатни ўргани ва уни муҳофаза қилишга доир билимлар, суннатга ёлғон ва бўҳтонлар кириб қолмаслиги учун бир кўрғондир. Бизда саҳобалар давридан тортиб, уларни сўзларини китобат қилган учинчи ҳижрий асрда яшаб ўтган муҳаддисларнинг замониғача бўлган Наби саллоллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳар бир киши ҳақида маълумотлар тўпланган девонларимиз бор.

Мисол учун фалончининг ўғли фалончидан ривоят қилибди деса, биз: “шу одам ҳақида малумотларни олиб кел”, деймиз ва уни маълумотлари тўпланган баъзага солиштириб қараймиз. Масалан уламолар у ҳақда: “хотираси сустиги, ёки диндор



эмаслиги ёхуд ёшлик даврида хотираси яхши бўлиб, кексалик даврига келиб хотираси ёмонлашгани сабаб бу одамдан қилинган ривоятлар заиф”, дейишган бўлса, биз унга “заиф”, деб ҳукм берамиз.

Ёки бошқа мисол: “Бир насроний, ёки яҳудий, ёхуд мажусий одам исломга зарар бериш учун хийла қилиб, ўзини мусулмон кўрсатиб мусулмонларни сафига кириб Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам номларидан ёлғон ҳадисларни киритган бўлса, у кимдан ривоят қилган ва ўша ривоят қилинган кишилар ким эканини уламолар тузган девондан номма-ном солиштириб кўриш орқали аниқланади ва фалончи ёлғончи, фалончи заиф ва фалончи ундок-бундок”деб, биздан олдинги уламолар улар борасида нима деб ҳукм беришган бўлса, шу ҳукмни қабул қиламиз.

Бундан ҳам кўпроқ малумотлар бор. “Илмур рижол” (Кишилар ҳақидаги илм) яъни, ривоят қилган барча кишилар ҳақида маълумотлар жамланган китоблар. Масалан бир кишини “айблик” ёки “адолатлик” дейилса, нима сабабдан ундай дейилганини билиш учун “жарҳ ва таъдил” китобларига қаралади. Уни жароҳати яъни айбланиши мубҳамми ёки мубайянми, қай даражада? Шу жароҳат ундан адолат сифатини кетказадими ёки йўқми?

Ёки адолатли дейилса. Нима сабабдан уламолар уни адолатли дейишган, уларга қаралади. Уларнинг барчаси ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Бу ерда яна бошқа, “туғилган ёки вафот қилган саналари” ҳақида улардан ҳар бирини қайси йилда туғилганлиги ёки вафот қилганлиги кўрсатилган илмий китоблар бор. Буни суннатга нима алоқаси бор, дейиш мумкин. Мисол учун бир киши: “фалончи фалончидан ривоят қилди”, деб айтса, биз унга: “буёққа кел”, деймиз. Мисол учун у ривоят қилган одам 60 ҳижрийда туғилган бўлса-ю, ривоят қилинган одам эса 50-ҳижрийда вафот топган бўлса, нима у бу ривоятни кабрида туриб қилганми?, деб сўраймиз. Демак бундан унинг ривояти нотўғри эканини биламиз.

Ёки: “бир ровий иккинчиси билан масалан 75-ҳижрийда учрашди”, дейилса ва вафоёт китобида уларнинг бири 70-ҳижрийда вафот қилган деб ёзилган бўлса, демак шунга қараб уни гапи ҳам нотўғри эканлиги исбот бўлади. Буларнинг барчаси борасида девонлар мавжуд.

Бу ерда улардан бошқа, ровийларнинг шаҳарларга киргани ҳақидаги хос илмий китоблар мавжуд. Масалан: “Ибн Ҳаммам ас Санъоний Яманнинг Санъо шаҳрида у билан учрашди. У кирган вақтида..”, деб айтса, унга: “ҳеч қачон у шаҳарга кирмаган ёки унинг вафотидан кейин кирган”, деймиз.

Бу маълумотларнинг барчаси Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатларини сақлаш, уни муҳофазаси ва Наби саллоллоҳу алайҳи васалламгача бўлган санадимиз саҳиҳ эканини таъкиди учун учун бўлган илмдир. Бас, шундай экан Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатлари барчаси сақланган-муҳофаза қилингандир.⁴⁹

Олдинги мақоламизда айтиб ўтганимиздек Абу Раййа, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудек улуғ саҳобийнинг тарихига оид ҳассос мавзуда нақл келтиришда бадий адабиёт ва шу каби китобларга суянгани, бу изланишга шахсий ғаразлар билан тўйинган ҳолда киришгани оқибатида шундай хатоларга йўл қўйганки, уни вақтида туғриланмаса, илмга энди кирган ўқувчи ҳам буларга йўл қўйиши ҳеч гап эмас.

⁴⁹ Азҳар шариф ва Ҳадис илми мактаби ўқитувчиси Шайх Муҳаммад Жамолиддин Ҳошим билан 11.07.2023 йил Сешанба куни “Суннат инкорчилари” мавзусида қилган сўхбатимиздан парча.



Бунга бир намуна сифатида Абу Хурайра розияллоху анхуга нисбатан беҳурматлиги ва у зотни “Мазийра шайхи”⁵⁰ деб номлаганини келтириш мумкин.

Саолибийнинг “Симорул қулуб” китобидан қуйидаги нақлни келтиради: “... Ва унга мазийра жудаям ёқарди, Муовия билан мазийра еб юрарди. Намоз вақти бўлиб қолса Алининг орқасида намоз ўқирди. Бу ҳақида унга гапиришса, “Муовиянинг мазийраси ёғли ва ёқимлироқ, лекин Алининг орқасида намоз ўқиш афзалроқ” дерди. Уни “Шайхул мазийра” деб аташарди”...

Хўш, бу қандай қилиб ақлга тўғри келиши мумкин, ахир Али Ироқда, Муовия Шом (Дамашк)да, Абу Хурайра эса Ҳижоз (Мадина)да бўлган бўлса?! Аниқ манбаларга кўра, Абу Хурайра розияллоху анху Умар розияллоху анхунинг замонида Баҳраинга амир бўлгандан кейин ҳам Ҳижоз ўлкаларини умуман тарк этмаган.⁵¹

Имом Ибн Абдулбар айтади: “Умар уни Баҳраинга тайинлайди, кейинчалик ишдан олади. Сўнг яна ишга тайинламоқчи бўлса, Абу Хурайра бош тортади. Доим Мадинани маскан тутати ва вафоти ҳам ўша ерда бўлади”.⁵²

Муаллиф 157-бетда Абу Хурайранинг сийрати ҳақида ёзган ёзувчиларнинг бирида, унга етарлича мақтовли лақабларни қўйиб кўкларга кўтарганидан кейин, ушбу гапларини нақл қилади: “Бу ва бошқа ҳикоялардан маълум бўладики, у Сиффин жангида иштирок этган, доим иккала томонга хушомад қилиб юрган! Бир неча кишиларнинг ривоят қилишича, Абу Хурайра айрим кунлари Алининг жамоатида намоз ўқирди, Муовиянинг жамоасида овқатланарди. Агар ўртада низо кучайса, тоққа чиқиб кетарди. Бу иши ҳақида сўрашса, у “Али олимроқ, Муовия ёғлироқ, тоғ эса тинчроқ!” деб жавоб берарди”.⁵³

Юқоридаги илмий асослардан сўнг, адолатли эканига уммат жам бўлган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан улуғ бир саҳобийга нисбатан мана шу каби ҳикояларни асос қилиб мана шундай айблов ва тухмат билан ҳукм бериш мумкинми?!

Қолаверса ўша ривоятни келтирган “бир неча кишилар” аслида ким? Абу Хурайра розияллоху анху икки жамоат ўртасида айланиб юриб, иккала тарафга ҳам хушомад қилиб яшасаю, бу иши ҳеч кимга ошкор бўлмаслигини қайси ақл кўтаради?!

Шубҳасиз, бунақа ҳикоялар бадиий адабиёт китобларида жуда кўп учрайди ва на хабарлиги жиҳатдан ишончли, на ақлга тўғри келади. Балки булар келтирилган китоблар ортидан бўш вақтни ўтказиш, эрмак қилиш ва латифабозлик қилиш кўзланган, холос. Илмий мавзуларда буларга умуман эътибор қилинмайди.

Яна бир ажабланарли нарсаси шуки, бу шармандали “ижод”нинг соҳиби китобнинг ғилофи устига қуйидаги жумлаларни ёзиб қўйибди: “Муҳаммадий ҳадиснинг ҳаёти, тарихи, унга боғлиқ диний ва дунёвий барча масалаларни қамраб олган соф илмий изланиш. Илмий тадқиқот қоидаларига асосланган кенг доирали бу изланиш ўз мавзусида биринчи рақамли бўлиб, бундан олдин ҳеч ким унинг услубида ёзмаган...”⁵⁴

⁵⁰ Ачитилган сут билан пишириладиган гўштли таом.

⁵¹ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.210-211.

⁵² “Истийъоб” китобида.

⁵³ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.211.

⁵⁴ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.212.



Дарҳақиқат, бу каби китоблар замонамизда ҳам ёзилган бўлиб, у ҳақда устозларимиз: “Китобни номида келтирилиши лозим бўлган маълумотлардан бошқа ҳамма нарса ўша китобда бор”, дейишган эди. Яъни номи бошқа-ю, китоб бошқа. Худди шунга ўхшаб Абу Раййанинг ҳам мазкур китоби каби илмий баҳс қоидаларидан четга чиқиб ёзилган асарини ҳеч ким, “илмий тадқиқот” деб атамаган бўлса керак.

Абу Раййа томонидан улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шаънларига қилинган ҳақоратлар

Абу Раййа покиза қалбларнинг ҳаловатини йўкотадиган, ҳадис борасида ривояти бўйича биринчи ўринда турадиган, Аллоҳ ва расули улардан рози бўлган зотлар - саҳобаларнинг улуғларидан саналган, шахсий фазилатлари китобларни тўлдирган, агар у зотга нуксон етказилса, диннинг асосларидан бири бўлган ҳадис ривоятларига нуксон етадиган, суффа аҳлининг олим-хофизларидан бўлган Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга тухмат қилишга журъат қилди.⁵⁵

Унинг тухматлари шу даражада бўлдики дини, ҳулки бор киши улуғ саҳобий уёқда турсин, оддий паст, авом халқ учун ҳам бу гапларга рози бўлмайди. Сиз азизларга ўша айтилган гаплардан баъзиларини келтириб ўтамыз. Зеро бу илмий ишдан мақсадимиз, иккала томонни ҳам баён қилиб ҳақиқатни рўёбга чиқаришдан иборат. Танқид ва ҳақоратларга мисоллар:

Китобнинг 152-саҳифасида қуйидаги маълумотни келтирган: “Саҳоблар орасида бўлиб туриб, карвонларга, жангларга чиқмаган”.

166-саҳифасида қуйидаги маълумотни келтирган: “Оиша розияллоҳу анҳо унга: “Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мен эшитмаган ҳадисларни айтасан”, деганда, у кишига одобсизларча: “Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ойна ва сурма машғул қилиб қўйган”, деб жавоб берган. Буни Ибн Саъд, Бухорий, Ибн Касир ва бошқалар ривоят қилган”.

Ибн Касир “Бидоя”да зикр қилган ривояти қуйидагича келган: “Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга: “Эй Абу Ҳурайра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадисларни кўпайтириб юборибсиз”, деб айтди. Шунда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: “Аллоҳга қасамки, мени ҳадислардан сурмаю хинолар машғул қилиб қўймади. Ўйлайманки, сизни менинг ҳадисларимдан кўп ҳадис айтишдан мана булар тўсиб қўйди”, деди. Шунда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: “Эҳтимол...”, деб айтдилар”.

Бу ривоят биринчи ривоятдаги ҳаёлга келган гумонларни кетказди ва Оиша онамиз розияллоҳу анҳо у зот айтган ҳадислардан қаноатланганларига далил бўлади. Қолаверса ўз жуфти ҳалоли учун оро бериш бу аёлларнинг табиати. Қолаверса, Пайғамбар алайҳис саломнинг аёллари барча умматнинг онаси саналишади. Айнан онасини ҳурматини жойига қўядиган Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг беҳурматлик, адабсизлик қилиши ҳақиқатдан йироқ. Чунки Имом Бухорийнинг “Ал Адаб Ал Муфрад” китобларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг онаси исломга

⁵⁵ “Азвоу алас суннатил Муҳаммадия” китобининг муаллифи Маҳмуд Абу Раййа бу китобида Абу Ҳурайра деган мавзу очиб, унда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга кўплаб тухматлар қилган.



кириши учун Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан дуо сўрагани ва онасини ҳаққига ўзи қилган дуолари келтирилган.⁵⁶

185- саҳифасида қуйидаги маълумотни келтирган: “Кимнинг ҳолати мана шундай бўлса, шак-шубҳа йўқки, у хор бўлади. Унинг шаъни ҳам, кадр-қиммати ҳам бўлмайди”.

Бу ўринда Муаллиф наздида саййидимиз Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу нима сабабдан хорликка маҳкум бўлди?! Чунки, у зот Набий соллоллоҳу алайҳи васалламга фақат қорни тўйиши учун ҳамроҳ бўлган эмиш. У зот фақирлиги сабабли суффани бошпана қилиб олиб бошқа суффа аҳллари ундан егандай еб юрган эмиш.

Шу нарсалар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга жарҳ етказадиган айбми?! Кишининг камбағал бўлиши ёки қорни оч қолиши ўша кишини айбдор эканини белгисими?! Ажабо...!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда аҳли суффани мақтаган. Шак-шубҳа йўқки, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳам аҳли суффадан бўлган. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деган:

“Хайр-эхсонлар ўзларини Аллоҳ йўлига батамом бағишлаб, тирикчилик йўлида сафар қилолмайдиган камбағалларгадир. Ифбатлари сабабли билмаганлар уларни бой деб ўйлашади. Уларни сиймоларидан, хиралик билан тиланмасликларидан танийсиз. Қилган яхшилик ва эхсонларингизни Аллоҳ, албатта билади”.⁵⁷

Абу Раййа эса барча мактовларни ҳақоратларга, фазилатларни нуқсонларга айлантирди. Ўйлаб кўринг, биз Аллоҳнинг каломини қўйиб, Абу Раййа ёки унинг издошлари бўхтонларини оламизми?!

187-саҳифада эса: “Кибри унинг салобатини йўқотди. Асл табиати унинг қандайлигини кўрсатди. Ўзи уйланган саййида Бусра бинти Ғозванга нисбатан ҳурмат, одоб чегарасидан чиқиб кетди”.

Бу гапларнинг айтилишига сабаб қилиб, ўзининг саййидаси, ишдаги хужайинига уйлангани ва кейин саййидасининг унга хизмат қилишидан ғурурланиб, қуйидаги сўзларни айтгани эмиш: “Мен Бусра бинти Ғозвонга қорнимни тўйдириш эвазига ходим эдим. Унинг оиласи улов минсалар, уларни етаклаб юардим. Уловдан тушсалар уларнинг хизматини қилар эдим. Ҳозир эса унга уйландим. Энди мен улов минаяпман. Уловдан тушсам, у менга хизмат қилапти”.⁵⁸

У Ибн Саъддан қилинган ривоятни келтиргач, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг обрўсини тўкишга киришади ва бошқа ҳақоратларни ҳам қила бошлайди: “Мана бу ҳар бир муруввату яхшиликдан холи бўлган, ҳамма қабиҳлигу пасткашликни ўз ичига олган кишини гапига қарасангиз, у хотинини хорлаб, ундан қасос олаётгани билан мақтанаётганини кўрасиз. Бундай ишни асл, олийжаноб киши қилиши мумкинми?”, дейди.⁵⁹

⁵⁶ Имом Бухорий. “Ал Адаб Ал Муфрад” 12-14-ҳадис. Дорул Машореъ нашриёти. Байрут. 2021йил. В.59-61.

⁵⁷ Бақара сураси 273 оят. Шайх Усмонхон Темурхон ўғли. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Анқара. 2021 йил. В. 45.

⁵⁸ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.216-217.

⁵⁹ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира.2019 йил. В.216.



Танқид ва баҳс бобида сўз юритилар экан, авваламбор у илмий асосда холис ёритилиши керак. Зеро бу баҳсининг асосий қондасидир. Ҳеч бир урфда ёки қонунда сўкиш танқид, ҳақоратлаш баҳс ҳисобланмайди. Юқоридаги маълумотларга назар солинса, масалага чуқур илмий ёндошмасдан туриб, узук-юлиқ маълумотлар билан кифояланиб, ундан келиб чиққан хулосаларини айблов ила изҳор қилиб, уларни илмий баҳс деб атамоқда.

Агар муаллиф ҳақиқий баҳс қилувчи, инсофли танқидчи бўлганида бу ривоятларга ёқтирмаслик, ғазаб кўзи билан қарамаган бўлар эди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг юқорида зикри келган гаплари фақат ва фақат Аллоҳнинг неъматларини гапириш, Унинг неъматларига шукр қилиш эканлигини билган бўлар эди. “Бидоя ва ниҳоя”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анху шундай деганлари ривоят қилинади: “Мен етим ўсдим. Мискин ҳолимда ҳижрат қилдим. Бусра бинти Ғозванга қорним тўйиши ва уловимнинг ем-ҳашаги эвазига хизмат қилар эдим. Агар улар улов минсалар етаклаб юрар эдим. Агар уловдан тушсалар, уларга ўтин тайёрлардим. Динини кучли қилган, Абу Ҳурайрани имом қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!”

Абу Нуаймнинг “Ҳилия”сида саҳиҳ санад билан Музориб ибн Ҳузндан ривоят қилинади: “Тунда юриб кетаётган эдим. Қарасам, бир киши такбир айтаяпти. Унга кўшилдим ва ундан: “Бу нима?” деб сўрадим. У: “Зиммамдаги Аллоҳнинг шукрини кўпайтираяпман. Бусра бинти Ғозваннинг олдида қорним тўйиши ва уловимнинг ем-ҳашаги эвазига хизмат қилар эдим. Унинг оиласи улов минса уларни етаклаб юрдим. Агар улар уловдан тушсалар, уларнинг хизматини қилдим. Аллоҳ таоло мени унга уйлантирди. Энди эса мен улов минаяпман. Агар уловдан тушсам, у менга хизмат қилаяпти”, деб жавоб берди”.⁶⁰

Бу гапда қандай хорлаш, аламини олиш бор?! Кейин яна бир нарса, ўзи Абу Ҳурайра розияллоҳу анхуга ўхшаган кишиларнинг гаплари чиройли мақсадларга, яхшиликларга йўйилишга лойиқ эмасми?! У киши ҳақида ёмон гумонлар қиламизми?!

Исломнинг одоби ҳар қандай мусулмонга нисбатан яхши гумон қилиш, уни эҳтиром қилиш эмасми?! Энди ўша одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бири бўлсачи?! Қолаверса кишилар ҳақида гумон қилавермаслик, ундан сақланишлик Ислом динининг талаби эмасми?

Аллоҳ таоло Ҳужурот сураси 12-оятида:

“Эй, имом келтирганлар! Кўп гумондан четланинглار, чунки баъзи гумон гуноҳдир”.⁶¹

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмон биродарини ҳақоратлаши кишининг ёмонлигига кифоя қилади”.**⁶²

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху: **“Яхшиликка йўйиш учун бир ўрин бўлса, мўмин биродарининг оғзидан чиққан сўздан ёмон гумон қилманг”**, деганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг бу гаплари эр-хотин ўртасида бўладиган оддий ҳазил сифатида айтилган гапдан нарийёғига ўтмайди. Агар саййида Бусра бинти

⁶⁰ Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира. 2019 йил. В. 216–217.

⁶¹ Шайх Усмонхон Темурхон ўғли. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Анқара. 2021 йил. В. 516.

⁶² Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан Имом Муслим ривояти. 2564 рақамли ҳадис.



Гозвон бу гаплардан аламини олиш ёки хорлаш, пастга уриш мақсадини ҳис қилганларида, бу гапларни у зотдан қабул қилмаган, ўзини кароматини ҳимоя қилган бўлар эди. Хусусан, биз биламизки, араб муслима аёллари ўзларининг кароматлари билан азиз бўлганлар. Ўзи ҳақ деб билган нарсани эр уёқда турсин, мўминларнинг амири бўлса ҳам кўндаланг қўйганлар.⁶³

Бугунлик кунда уларнинг издоши бўлган “Суннат инкорчилари” Абу Ҳурайра розияллоху анҳуни “Фейк” яъни сохта, тўқима образ. Аслида тарихда бунақа инсон яшамаган деб жар солмоқда.⁶⁴

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАДИЁТЛАР

1. Доктор Муҳаммад ибн Матор. Тадвин ас сунна ан набавийя. Дорул ҳижра матбааси. Саудия Арабистони. 1996 йил. Б-36.
2. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира. 2019 йил. Б.210-211.
3. “Истийъоб” китобида.
4. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира. 2019 йил. Б.211.
5. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира. 2019 йил. Б.212.
6. Имом Бухорий. “Ал Адаб Ал Муфрад” 12-14-ҳадис. Дорул Машорей нашриёти. Байрут. 2021 йил. Б.59-61.
7. Бақара сураси 273 оят. Шайх Усмонхон Темурхон ўғли. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Анқара. 2021 йил. Б. 45.
8. Муҳаммад Абу Шаҳба. Дифоъ анис сунна. Дорул Қудус ал Арабий. Қоҳира. 2019 йил. Б.216-217.
9. Шайх Усмонхон Темурхон ўғли. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Туркия диёнат ишлари бошқармаси. Анқара. 2021 йил. Б. 516.
10. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан Имом Муслим ривояти. 2564 рақамли ҳадис.
11. Имом Жалолиддин Суютий. Аддуррул Мансур. Дорул фикр. Байрут. 1993. Б-1/278
12. Олимихон Исахон ўғли. Мабрур ҳаж мукофоти жаннатдир. Имом Бухорий халқаро маркази. Тошкент 2016. Б-20/45
13. Умар ибн Абдуллоҳ ибн Отиқ ал Ҳарабий. Шарҳ Усул ас Сунна лил Имом Аҳмад. Дорул фикр. Байрут. 1993. Б-1/278
14. Муҳаммад Амин Шанқитий. Азваул баён фий ийзоҳил баён. Дорул фикр матбааси. Байрут. 1995 йил. Б-1-50

⁶³ Ислом тарихидан бохабар кишилар буни яхши биладилар. Сўз узайиб кетмаслиги учун бунга мисолларни келтирмадик. Мужодала сурасининг нозил бўлиш сабаби ёки маҳр борасида ҳазрати Умар розияллоху анҳу билан тортишган аёл қиссаси бунга ёрқин мисол бўлади.

⁶⁴ Ижтимои тармоқда суннат инкорчиси Камол Йўлдош каналида айнан шу сўхбатлар мавжуд.